



ХОКИМА

Самаркандского района  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

НОКИМИ  
ҚАРОРИ

2013у.г. «19» август № 831-К Самарқанд т, -Самарқанд

“Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини  
“Сулфакабутак” маҳалласида фуқаро  
Олимов Шавкатга савдо ва маиший хизмат  
кўрсатиш шахобчаси қуриш учун ер  
майдони ажратиш тўғрисида”

“Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Сулфакабутак” маҳалласида яшовчи фуқаро  
Олимов Шавкат туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, “Сулфакабутак”  
маҳалласи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуришга ер майдони  
ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят  
табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси ҳулосасини,  
”Қишлоққурилишлойиха” масъулияти чекланган жамиятининг 2013 йил 3 июндаги 182  
сонли баёнини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил  
26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид  
булмаган эхтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора  
тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш  
учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”  
қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Сулфакабутак” маҳалласида яшовчи фуқаро  
Олимов Шавкатга “Сулфакабутак” маҳалласи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш  
мажмуаси қуриш учун 216 м.кв. қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари  
хисобидан ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси  
тасдиқлансин.

2. Фуқаро Олимов Шавкатга савдо ва маиший хизмат курсатиш шахобчасини  
қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8,  
39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиха  
ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси  
юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи  
ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев